

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 70-ҳадис

70 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا افْتَتَحَ الصَّلَاةَ رَفَعَ يَدَيْهِ حَتَّى يُجَاذِي مَنْكَبَيْهِ، وَقَبْلَ أَنْ يَكْبَعَ، وَإِذَا رَفَعَ مِنَ الرُّكُوعِ، وَلَا يَرَفَعُهُمَا بَيْنَ السَّجْدَتَيْنِ.

[خ 735، م 390، ت 255، س 741، د 721، ج 858].

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозни бошлаётганда, рукуъдан олдин ва рукуъдан кўтарилаётганда икки қўлларини елкалари баробарига етказиб кўтарганларини кўрдим. Аммо икки сажда орасида кўтармасдилар».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Изоҳ: Ушбу ҳадисда такбири таҳримада намозхон қўлларини елка баробарида кўтариши кераклиги айтилмоқда. Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаби уламолари шуни танлашган. Аммо Абу Довуднинг Воил ибн Хужрдан, Таҳовийнинг Баро ибн Озибдан қилган ривоятида: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга такбир (таҳрима) айтсалар, қўлларини қулоқлари рўпарасигача кўтарардилар», дейилади. Ҳанафий мазҳаби уламолари мана шуни ихтиёр қилишган.

Шофеъий ва ҳанбалий мазҳаби олимлари: «Мана шу ҳадисга биноан намозхон такбири таҳримада, рукуъга борганда ва кўтарилганда икки қўлини кўтаради», дейишади. Аммо ҳанафийлар такбири таҳримадан бошқа ўринларда қўл кўтармасликни ихтиёр қилишган ва бунга Абу Довуд, Ибн Абу Шайба ва Таҳовийларнинг Баро ибн Озибдан ривоят қилган «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозга кириш учун такбир айтсалар, қўлларини кўтарардилар, ҳатто бош бармоқлари қулоқлари юмшоғига яқин келар эди, кейин бошқа кўтармас эдилар» ҳадисини далил қилиб келтиришади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI